

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 2 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 2 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодида Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Полвонов Козимбек Наимович*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) ..... 7-13

*Махмудова Азизахон Носировна*

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 14-21

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Kurpayanidi Konstantin Ivanovich*

MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC TRANSFORMATION ..... 22-28

*Паязов Мурод Максудович*

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ..... 29-37

*Шохўжаева Зебо Сафоевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУФОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ ..... 38-45

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna*

INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR ..... 46-50

*Элбоев Бобур Ботирович*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА  
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ..... 51-60

*Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich*

O'ZBEKISTONDA MOLIVAVIY BOSHQARUV TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ..... 61-68

*Абдуқулова Дилноза Абдукадировна*

АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ  
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ..... 69-74

*Qudbiyev Nodir Tohirovich, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich*

KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 75-84

*Rasulova Shaxnoza Xatamovna*

XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFLASHNING IQTISODIY ANAMIYATI ..85-93

*Болтаев Нурали Шираматович*

АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ  
БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 94-103

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA  
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....104-109*Aripov Alisher Abdumalikovich*YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING  
O'RNI .....110-117*Xabib Sattorov*

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI .....118-123

*Турсинбой Султонов*

ИСТЕЪДОДНИНГ ИККИ МУҲИМ ТОМОНИ .....124-132

*Сафаров Улуғбек Турсунович*

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....133-138

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Бектурсынова Айсултан Марат кызы*М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА  
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА .....139-145*Назарова Сайёра Азимжановна*ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ  
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....146-151*Isroilova Manzura Jamolovna*BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK  
TRANSFORMATSIYASI .....152-156**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Утемуратов Махмут Ажимуратович*ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ  
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ .....157-162*Узакова Гўзал Шариповна*БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ  
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....163-175*Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li*

SUG'URTA FRANSHIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA .....176-180

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна*ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНҒИЧ  
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....181-185

07.00.00-Тарих фанлари

**Полвонов Козимбек Наимович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Қарши давлат университети

### **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларнинг 1970-2022 йиллардаги классификацияси кўриб чиқилиб, таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** шаҳар, аҳоли сони, классификация, кичик шаҳар, “ярим ўрта” шаҳар, ўрта шаҳар, катта шаҳар.

**Полвонов Козимбек Наимович**  
Доктор философии по истории (PhD),  
Каршинский государственный университет

### **ИЗМЕНЕНИЯ В КЛАССИФИКАЦИИ ГОРОДОВ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ (1970-2022 гг.)**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается и анализируется классификация городов Кашкадарьинской области на 1970-2022 гг.

**Ключевые слова:** город, население, классификация, маленький город, полусредней город, средней город, большой город.

**Polvonov Kozimbek Naimovich**  
Doctor of Philosophy in History (PhD),  
Karshi State University

### **CHANGES IN THE CLASSIFICATION OF CITIES OF KASHKADARYA REGION (1970-2022)**

**Abstract.** This article considers and analyzes the classification of cities in Kashkadarya region for 1970-2022.

**Key words:** city, population, classification, small town, “semi-medium” city, medium town, big city.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N1>

Шаҳарларни ўрганишда уларнинг катта-кичиклигини билиш муҳим ҳисобланиб, жуда катта аҳамиятга эгадир. Келажакда саноат корхоналарини қуришда, ижтимоий инфраструктура объектларини жойлаштиришда шаҳарлар классификацияси алоҳида

ўрин тутади. Шу маънода шаҳарларни туркумларга ажратиб, классификация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳарлар аҳоли сонига қараб туркумланади. Бу ҳолат фанда классификация деб номланиб, лотинча “classis - туркум” ва “fasio - бўламан” “туркумга бўламан” деган маънони билдиради[1]. Совет даврининг сўнгги йилларида шаҳарлар аҳоли сонига кўра беш туркумга бўлиниб, уларда аҳоли сони қуйидагича белгиланган:

- 1) энг йирик шаҳарлар – аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлган;
- 2) йирик шаҳарлар – аҳолиси 250-500 минг кишигача;
- 3) катта шаҳарлар – аҳолиси 100-250 минг кишигача;
- 4) ўрта шаҳарлар – аҳолиси 50 минг кишидан-100 минг кишигача;
- 5) кичик шаҳарлар – аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар[2].

1989 йилда Ўзбекистонда 124 та шаҳарлар бўлиб, улардан 101 таси кичик, 7 таси ўрта, 12 таси катта шаҳарлар (Ангрен, Бухоро, Жиззах, Марғилон, Навоий, Нукус, Олмалик, Қарши, Кўқон, Урганч, Фарғона, Чирчиқ), 3 таси йирик шаҳарлар (Самарқанд, Наманган, Андижон), 1 таси энг йирик (Тошкент) шаҳарлар тоифасига кирган[3]. Республикадаги шаҳарларнинг 81.4 фоизи кичик ва 5.6 фоизи ўрта шаҳарлар туркумига кирса, 9.6 фоизи катта шаҳарлар бўлган.

Қашқадарё вилоятида 1970 йилда иккита – Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари шаҳар мақомида бўлиб, Шаҳрисабз кичик шаҳар (аҳоли сони 50 минггача), Қарши – ўрта шаҳар (аҳоли сони 50-100 минггача) туркумига кирган.

Совет даврида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилган йил (1979 ва 1989 йил) ларда Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолисида ўсиш кузатилиб, классификациясида ўзгаришлар бўлди. Аҳолиси 50 минггача бўлган кичик шаҳарлар 1979 йилда жами 9 тани ташкил этган бўлиб, вилоятда фақатгина Қарши шаҳри катта шаҳарлар (аҳолиси 100-250 минггача) туркумига кирган. Шунингдек, бу пайтда ўрта, йирик ва энг йирик шаҳарлар тоифасига кирадиган шаҳарлар мавжуд бўлмаган. Вилоятда жами шаҳарлар сони 10 тани ташкил этган.

#### Қашқадарё вилояти шаҳарлари таснифи (1989 й.)

№	Шаҳарлар поғонаси	Аҳоли сони	Шаҳарлар тоифаси	Қашқадарё вилоятида
1	I	50 минггача	кичик шаҳар	Бешкент, Косон, Китоб, Муборак, Талимаржон, Чироқчи, Янги Нишон, Яккабоғ, Қамаша, Ғузор
2	II	50 дан 100 минггача	ўрта шаҳар	Шаҳрисабз
3	III	100 дан 250 минггача	катта шаҳар	Қарши
4	IV	250 дан 500 минггача	йирик шаҳар	



5	V	500 мингдан ортиқ	энг йирик шаҳар	
	Жами			12 та

Қашқадарё вилоятида шаҳарлар ва улардаги аҳоли сони ўсиб борди. 1989 йилда вилоят шаҳарларлари классификациясининг кўриниши қуйидагича бўлди: кичик шаҳарлар 10 тани ташкил этгани ҳолда, Шаҳрисабз шаҳри ўрта ва Қарши шаҳри эса катта шаҳарлар тоифасига кирди. Бу пайтда вилоятда шаҳарлар сони 12 та бўлган[4].

1990 йилда вилоят шаҳарларининг классификацияси 1989 йилдагидек бўлиб, ўзгаришсиз қолди.

Шаҳарлар - республика, вилоят, туман бўйсунувидаги шаҳарларга бўлинган. Республика бўйсунувидаги шаҳарлар сирасига аҳолиси 500 мингдан ортиқ, йирик иқтисодий, маданий марказ ҳисобланган шаҳарлар кирган.


Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар қаторига муҳим саноат аҳамиятига молик, иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган, аҳолиси 30 минг кишидан кам бўлмаган шаҳар ёки шаҳар посёлкалари кирган. Айрим ҳолларда, саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли ўсиши борасида қулай истиқболга эга бўлган айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингдан кам бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар категориясига киритилган.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат турар-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий ташкилотлари, савдо-сотиқ, ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган шаҳар ва шаҳар посёлкалари кирган[5]. Бундай шаҳарлардаги аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи ва хизматчилардан иборат бўлиши лозим бўлган.

Совет даврида вилоятдаги айрим шаҳарларнинг демографик салоҳияти ва иқтисодий ҳолати эътиборга олиниб, туман бўйсунувидан вилоят бўйсунувига ўтказилган. Вилоятнинг иқтисодий ривожланишида Китоб, Муборак ва Косон шаҳарларининг ўрни ортиб борган. Шу сабабли 1979 йил 27 ноябрида Китоб[6], 1979 йил 14 декабрида Муборак[7] ва 1980 йилда Косон[8] вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига киритилди.

1990 йилга келиб 5 та шаҳар (Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Косон, Муборак) вилоят бўйсунувидаги ва 7 та шаҳар (Бешкент, Талимаржон, Чироқчи, Янги Нишон, Яккабоғ, Қамаш, Ғузур) туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳисобланган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон шаҳарларида, шу жумладан Қашқадарё вилояти шаҳарларида ҳам алоҳида ҳокимлик лавозими бўлиб, маъмурий-бошқарув тизимига эга бўлган.



Умуман, 1970-1990 йилларни таҳлил қилинганда, вилоят шаҳарлари классификациясида жуда катта ўзгаришлар бўлган. Аҳоли сони 50 минггача бўлган кичик шаҳарлар 1970 йилда биттани ташкил этган бўлса, 1990 йилда 10 та бўлди. Вилоят ҳудудида ўрта (аҳоли сони 50-100 минггача) шаҳарлар сони ўзгаришсиз қолиб, биттани ташкил этган. 1970 йилда катта (аҳоли сони 100-250 минггача) шаҳарлар умуман йўқ эди. 1990 йилга келиб битта - вилоят маркази Қарши шаҳри бўлди. Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар 1970 йилда 2 та бўлгани ҳолда, 1990 йилда кўпайиб 5 та бўлди. Туманга бўйсунувчи шаҳарлар 1970 йилда умуман бўлмаган эди, 1990 йилда улар 7 тани ташкил этди.

Мустақиллик йилларида шаҳарларни ривожлантириш борасида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиб борилди. Тараққиёт одимлаб боргани сари аҳоли сонига кўра шаҳарларни туркумларга ажратиш ўзгариб боради. Айни пайтда шаҳарлар 8 туркумга – майда, кичик, “ярим ўрта”, ўрта, катта, йирик, энг йирик, миллионер шаҳарларга бўлиниб, классификация қилинмоқда[9].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида (2016 й.) 119 та шаҳарлар бўлиб, улардан майда шаҳарлар 3 та, кичик шаҳарлар 28 та, “ярим ўрта” шаҳарлар 50 та, ўрта шаҳарлар 20 та, катта шаҳарлар 10 та, йирик шаҳарлар 6 та, энг йирик шаҳар 1 та (Наманган) ва миллионер шаҳар 1 та (Тошкент)дир[10].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қашқадарё вилоятидаги шаҳарлар классификацияси ўзига хос кўринишда бўлди. Вилоятда аҳоли сони 10 минггача бўлган майда шаҳарлар 1995 йилда 2 та, кичик шаҳарлар (аҳолиси 10-20 минггача) 3 та, “ярим ўрта” шаҳарлар (аҳолиси 20-50 минггача) 5 тани ташкил этган. Вилоятда битта ўрта (Шаҳрисабз) ва битта катта (Қарши) шаҳар мавжуд бўлган.

#### Қашқадарё вилояти шаҳарлари таснифи (2022 й.)

№	Шаҳарлар поғонаси	Аҳоли сони	Шаҳарлар тоифаси	Қашқадарё вилоятида
1	I	10 минггача	майда шаҳар	
2	II	10 дан 20 минггача	кичик шаҳар	Талимаржон, Янги Нишон


3	III	20 дан 50 минггача	“ярим ўрта” шаҳар	Бешкент, Китоб, Муборак Чироқчи, Яккабоғ, Қамаш, Ғузур
4	IV	50 дан 100 минггача	ўрта шаҳар	Косон
5	V	100 дан 250 минггача	катта шаҳар	Шаҳрисабз
6	VI	250 дан 500 минггача	йирик шаҳар	Қарши
7	VII	500 мингдан 1 миллионгача	энг йирик	
8	VIII	1 миллион ва ундан ортиқ миллионер шаҳар	миллионер шаҳар	
	Жами			12 та

2022 йилда вилоят шаҳарлари классификацияси қўйидагича бўлди. Аҳолиси 10 минггача бўлган майда шаҳарлар йўқ, аҳолиси 10-20 минггача бўлган кичик шаҳарлар 2 та (Талимаржон, Янги Нишон), аҳолиси 20-50 минггача бўлган «ярим ўрта» шаҳарлар 7 та (Бешкент, Китоб, Муборак, Чироқчи, Яккабоғ, Қамаш, Ғузур)ни ташкил этди. Вилоятда аҳолиси 50-100 минггача бўлган ўрта - (Косон), 100-250 минггача бўлган катта - (Шаҳрисабз) ва 250-500 минггача бўлган йирик (Қарши) шаҳарлар биттадан бўлиб, вилоят шаҳарларининг асосий қисмини кичик ва «ярим ўрта» шаҳарлар ташкил этди[11].

Истиқлол йилларида вилоят шаҳарларининг вилоят ва туманга бўйсунуви борасида ўзгаришлар бўлди. 1993 йилда Қашқадарё вилоятининг айрим (Бешкент, Талимаржон, Чироқчи, Яккабоғ, Янги Нишон, Қамаш, Ғузур) шаҳарлари бошқаруви ўзлари бўйсунадиган туман ҳокимликлари билан бирлаштирилди. 1994 йилга келиб вилоятга бўйсунувчи Китоб, Косон ва Муборак шаҳарлари туманга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига ўтказилди[12]. 2004 йилдан Талимаржон шаҳар ҳокими – Нишон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлди[13].

Шаҳрисабз шаҳрида алоҳида шаҳар ҳокими лавозими мавжуд бўлган, бироқ, 1997 йилдан шаҳар ҳокими – Шаҳрисабз туман ҳокимининг биринчи ўринбосари деб юритилган. 2017 йилдан яна Шаҳрисабз шаҳри туман бўйсунувидан вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига киритилган[14].

Шундай қилиб, 2022 йил ҳолатида туманга бўйсунувчи шаҳарлар 10 та, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар - Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари бўлиб, 2 тани ташкил этди.



Хуллас, вилоят шаҳарлари классификацияси ўзига хосдир. 1970-2022 йилларда шаҳарлар тоифасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Ўтган 50 йилдан зиёдроқ давр мобайнида аҳолиси 50 минггача бўлган (kichik – 10-20 минггача ва «yarim ўрта» – 20-50 минггача) шаҳарлар 1 тадан 9 тага кўпайди. Аҳолиси 50-100 минггача бўлган ўрта шаҳарлар сони (1 та) ўзгаришсиз қолиб, аҳоли сони 100-250 минггача бўлган катта шаҳарлар, йирик (аҳоли сони 250-500 минггача) шаҳарлар юзага келди.

Кўриб ўтилганидек, совет даврининг сўнгги йилларида воҳа шаҳарлари таркибида вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар 5 та, туман бўйсунувчи шаҳарлар сони 7 тани ташкил этган. Айни пайтда (01.01. 2022 й.) вилоят бўйсунувчи шаҳарлар 2 та, туманга бўйсунувчи шаҳарлар эса 10 тани ташкил этади. Шаҳарлар таркибининг асосий қисми кичик ва «yarim ўрта» шаҳарлардан иборатдир.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. –Б. 632.
2. Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар). –Т.: Yangi nashr, 2017. –Б. 14-15.
3. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. –Т.: Ўзбекистон, 1991. –Б. 44.
4. Манба: “Перепись населения 1989. Т., 1990”. Статистик тўпламининг 33-35 бетлари асосида қайд этилди.
5. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. –Т.: Ўзбекистон, 1991. –Б. 31.
6. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 17-жамғарма, 14а-рўйхат, 1-иш, 32-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, Р-2454-жамғарма, 6-рўйхат, 4031- иш, 32-варақ.
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, Р-2454-жамғарма, 6-рўйхат, 4092- иш, 2-варақ.
9. Soliyev A.S., Tashtayeva S.K., Egamberdiyeva M.M. Shaharlar geografiyasi. O'quv qo'llanma. –Т.: Innovatsion – Ziyo, 2020. –Б. 40.

10. Тўхтабоева Д. Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. –Т.: TURON-IQBOL, 2018. –Б. 55.
11. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2022 йилда берган маълумотлари асосида қайд этилди.
12. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 829-жамғарма, 1-рўйхат, 87-иш, 58-варақ.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Худудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2004. №13. –Б. 11.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри ҳокимликларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2017. - №28. –Б. 25-27.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).